



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Boysun t., Hayot Abadiy ko'chasi 1-uy. 190400, tel.: (+99876) 33-5-20-64, boysun_t@exat.uz, http://boysun.uz

2021-yil “ 23 ” fevral

Q-288-son

Boysun t.

Бойсун тумани “Бойсун” массивининг “Даштиғоз” участкасидан «DASHTIG’OZ-TOMARQA XIZMATI» МЧЖ ҳисобига туман хокимлиги захира ер майдонидан 2 гектар ер участкасини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4767-сонли “Аҳоли томорқаларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Давлат Раҳбарининг 2020 йил 20 август кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 6 июлдаги 02-2031-сонли топшириғи ижросини таъминлаш ва «DASHTIG’OZ-TOMARQA XIZMATI» МЧЖнинг 2021 йил 22 февралдаги туман хокими номига ёзган 2-сонли алоқа хати, туман хокимининг 2017 йил 10 январдаги 4-Ф-сонли фармойишига асосан туман хокимлиги қошидаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг 2021 йил 22 февралдаги ер участкаси ажратиш бўйича тақдим этган далолатномасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. «DASHTIG’AZ-TOMORQA XIZMATI» нинг 2021 йил 22 февралдаги туман хокими номига ёзган 2-сонли алоқа хати ҳамда туман хокимлиги қошидаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг 2021 йил 22 февралдаги ер участкаси ажратиш бўйича тақдим этган далолатномаси инobatга олинсин.

2. Бойсун тумани “Бойсун” массивининг “Даштиғоз” участкасидан «DASHTIG’OZ-TOMARQA XIZMATI» МЧЖ ҳисобига туман хокимлиги захира ер майдонидан 704-дала контурлардаги 2 гектар ер участкаси ажратиб берилсин.

3. Туман Кадастр агентлиги бўлими (Х.Рамазонов)га «DASHTIG’OZ-TOMARQA XIZMATI» МЧЖга ер майдонлари ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

4. Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (З.Норов)га «DASHTIG'UZ-TOMARQA XIZMATI» МЧЖ томонидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш мақсадида талаб этиладиган уруғликлар ва бошқа моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб бериш ҳамда белгиланган хизматларни кўрсатиш учун зарур бўладиган кредит маблағларини ажратилишида кўмаклашсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



А.Жўраев